



“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини куриш бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудидӣ бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 17 октябрдаги 485-сонли хатингизга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел кунги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-5072 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бешарик тумани Ифтихор МФЙ худудида яшовчи аҳолини ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида куйидаги ишлар бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича:

Бешарик тумани Ифтихор МФЙ худудида яшовчи аҳолининг бир кунлик сув сарфи 636 м³ хисобланиб ичимлик сув билан таъминлаш учун **уланиш нуктаси**: Ифтихор **МФЙ** худудидаги мавжуд Д-219 мили ичимлик сув қудугини реконструкция қилиш, 1 дона замонавий электр тежамкор ичимлик сув насоси ўрнатиш, 1 дона ичимлик 25 м³ сув минораси ўрнатиш ва унга UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш ва автоматик ўчириб ёкиш ускунаси (Поплавок) ўрнатиш, 1 дона трансформатор (ТП) ўрнатиш, химоя зонасини ўраш, 1 дона электр бошқарув (шит каскад) ўрнатиш ва гидравлик хисоб-китобларга кўра лойиха асосида ичимлик сув тармоғи тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, КМҚ талабларига хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равища бажарилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошка мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хulosса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха смета хужжатлари ишлаб чикишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха смета хужжатлари ишлаб чикиш ва давлат экспертиза хulosалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Таёргланган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Бош мухандиси:

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
ИЧБ бошлиғи:



И.Абдуллаев

Д.Хамидов